



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Muhabbatxon Zayniddin qizi Berdaliyeva Zamonaviy sharoitda uy-joy qurilishini moliyalashtirish asoslari	151
To‘yli Gulmurodovich Ravshanov Misr mamlakatida turizm sohasini moliyalashtirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari	156
Наргиза Музафаровна Бабаева Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	162
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Оилавий корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи омилар таҳлилини такомиллаштириш	167
Дилмурод Холмўминович Жўраев Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари	174
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobining mohiyati va uni tashkil etishda budjetlashtirishning ahamiyati	178
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan xizmatlardan olingan daromadlar tahlili.	182
Юлдуз Шарафитдиновна Рахманова Инвестициявий кўчмас мулкларнинг тасарруф этилиши натижалари ҳисобини такомиллаштириш	185
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Nasiba Raxmatullayevna Ergasheva Qashqadaryo viloyati maktabgacha ta’lim tashkilotlarida outsorsing xizmatlaridan foydalanish mexanizmini takomillashtirish	190
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Саидахроп Гулямов, Мамаюнус Пардаев Ҳикмат ахтарганга ҳикматдир дунё	196
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Қуръон рақамларда	198

Ushbu ko‘rsatkichlarning aniqlanishi qurilish korxonalari tomonidan bajarilgan qurilish xizmatlarining dastlab vujudga kelishi aniq bo‘lgan daromadlilik darajasini ifodalasa, ikkinchi tahliliy ko‘rsatkichda esa kutilayotgan qo‘shimcha daromadlilik darajasini ifodalab beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, 2020-yil 24-fevral, PQ-4611-son.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish-montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari” to‘g‘risidagi PQ-4586 sonli qarori-06.02.2020.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi” PF-6119 sonli farmoni – 28.11.2020.
4. Экономика строительства: Учебник / под общей ред. И.С.Степанова.- 3-е изд., доп. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2004..
5. Аренс Э.А., Дж.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
6. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строительстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.

Т.Яхёев	Т.Ҳаһуев
Механизмы оценки финансового состояния строительных предприятий	Mechanisms for rating the financial status of construction enterprises
Аннотация: в статье речь идет о классификации строительных предприятий, особенностях процессов их деятельности и особенностях строительных предприятий как объекта экономического анализа.	Abstract: this article is about the classification of construction enterprises, special features of its activity processes and special features of construction enterprises as an object of economic analysis.
Ключевые слова: строительные предприятия, анализ, строительная отрасль, объект экономического анализа, цель экономического анализа в строительных предприятиях, государственные, акционерные, частные, совместные и другие подрядные строительные-монтажные организации.	Keywords: construction enterprises, analysis, construction industry, object of economic analysis, purpose of economic analysis in construction enterprises, state, joint-stock, private, joint and other contract construction and assembly organizations.

Юлдуз Шарафитдиновна Рахманова – Тошкент кимё халқаро университетети мустақил изланувчиси

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЎЧМАС МУЛКЛАРНИНГ ТАСАРРУФ ЭТИЛИШИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p>Аннотация: ушбу мақолада инвестициявий кўчмас мулкларни (ИКМ) тасарруф этилиши, жумладан сотилиши, тугатилиши ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоби масалалари ёритилган. Бундан ташқари ИКМнинг эски конструктив қисмлари янги конструктив қисмларга алмаштириш жараёнларини халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобга олиш тартиби тадқиқ қилинган. Бухгалтерия счётлари ва бухгалтерия ёзувлари тақлиф этилган.</p> <p>Калит сўзлар: инвестициявий кўчмас мулк, инвестициявий кўчмас мулкларни сотишдан фойда, адолатли (ҳаққоний) қиймат модели, конструктив қисмлари, қайта таснифлаш.</p>

Кириш. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида [1] инвестициявий муҳитни яхшилаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкорлигига эришиш каби муҳим вазифалар қўйилган. Бу ўз навбатида мулклар, жумладан инвестициявий кўчмас мулклар (ИКМ) ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Амалиётдаги счётлар режасидан келиб чиқиб, ИКМлар тасарруф қилиш жараёнлар, жумладан сотилиши, тугатилиши ҳамда фойда ва зарарларни счётларда акс эттиришнинг услубий масалалари бўйича ишланмалар талаб этилади. Шу боис, ИКМларни тасарруф этилиши

натижаларини ҳисобда акс эттириш бўйича ҳисоб сиёсатида ўзига хос услубий тартибларни ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Бу ўз навбатида тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Россиялик олимлар, жумладан С.Н.Титова [2] А.Королева [3] ишларида инвестициявий кўчмас мулк ҳисобининг МХХСлари ва Россия стандартларига мувофиқ ҳисобга олишнинг хусусиятлари, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўллари тадқиқ қилган.

А.В.Суворов “Инвестициявий кўчмас мулк тан олиш тугатилади (балансдан чиқарилади), қачонки ушбу объект чиқиб кетганда ёки эксплуатациядан олинганда, шунингдек объект чиқиб кетгандан кейин у билан боғлиқ иқтисодий нафнинг олиниши ҳам кутилмайди” [4] деб эътироф этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида диалектик ёндашув, абстракт-мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, монографик кузатув, баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инвестициявий мулкнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ жараёнлар ҳисобига доир асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Инвестициявий кўчмас мулк чиқиб кетиши, тугатилиши муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқарилади ёки ундан фойдаланишдан ортиқ фойда олишни кутмайди;
2. Инвестициявий кўчмас мулкнинг чиқиб кетиши унинг молиявий ижарага берилиши ёки сотилиши муносабати билан ҳам юз бериши мумкин;
3. Агарда ташкилот инвестициявий мулкнинг баланс қийматида унинг қайсидир конструктив қисмларини алмаштиришни ҳам инobatга олса, бундай ҳолларда даставвал эски конструктив қисмлар қиймати ҳисобдан чиқарилади, кейин эса алмаштирилаётган қисмлар қиймати ИКМ қийматига киритилади.

Юқорида қилинган фикр ва мулоҳазалар асосида фойдаланилаётган счётларнинг номларига тегишли ўзгартиришларни киритган ҳолда амортизация ҳисобланган тақдирда ИКМларни сотиш жараёнини қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали акс эттиришни мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

А. Активларни сотишдан фойда олинганда:

1. Сотилган активнинг жамғарилган амортизация суммасига:
Дт 0290 “Инвестицион кўчмас мулк жамғарилган амортизацияси”
Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”
2. Сотилган активларнинг сотиш баҳоси суммасига:
Дт 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” (активнинг сотилган баҳосига)
Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”
3. Сотилган инвестициявий кўчмас мулкнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда
Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”
Кт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк”
4. Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда суммасига
Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”
Кт 9320 “Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда”

Фойда = Сотишдан келиб тушган сумма + жамғарилган амортизация суммаси – бошланғич қиймат

Б. Активларни сотишдан зарар кўрилганда:

1. Сотилган активнинг жамғарилган амортизация суммасига:
Дт 0290 “Инвестицион кўчмас мулк жамғарилган амортизацияси”
Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”
2. Сотилган активларнинг сотиш баҳоси суммасига:
Дт 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” (активнинг сотилган баҳосига)
Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”

3. Сотилган инвестициявий кўчмас мулкнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда

Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)

Кт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк”

4. Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда суммасига

Дт 9430 “Бошқа операцион харажатлар (ИКМ сотишдан зарар)

Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)

Зарар = Бошланғич қиймат – сотиш баҳосидаги сумма – жамғарилган амортизация суммаси

Изоҳ: 1. Счётларнинг 21-сон БХМСга мувофиқ номлари ушбу мисолда таклиф қилинган номларга ўзгартирилди.

Инвестициявий кўчмас мулк адолатли қиймати бўйича баҳоланганда уни сотилиши (чиқиб кетиши) натижасида олинган фойда ва зарарлар қуйидаги тартибда акс эттирилади.

1-мисол. Адолатли (ҳаққоний) қиймат модели асосида баҳоланган инвестициявий кўчмас мулк объектининг баланс қиймати 4 568 900 минг сўм, ушбу объект 5 250 400 минг сўмга сотилди. У ҳолда ушбу объектни сотишдан олинган фойда 681 500 минг сўмни ташкил этади.

1. Сотилган активларнинг сотиш баҳоси суммасига:

Дт 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” (активнинг сотилган баҳосига).....5 250 400 000 сўм

Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”..... 5 250 400 000

Асос: Шартномага ва счёт-фактурага мувофиқ харидорга сотилган ИКМнинг сотиш қиймати суммаси 5 250 400 минг сўм

2. Сотилган инвестициявий кўчмас мулкнинг баланс (адолатли) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)..... 4 568 900 000 сўм

Кт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк”.....4 568 900 000 сўм

Асос: Сотилган ИКМнинг баланс қиймати 4 568 900 минг сўм ҳисобдан чиқарилган.

3. Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда суммасига:

Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”.....681 500 000 сўм

Кт 9320 “Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда”.....681 500 000

Асос: Сотилган инвестициявий мулкнинг сотиш қиймати ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммаси 681 500 минг сўм (5 250 400 – 4 568 900)

Агарда компания инвестициявий кўчмас мулкни кейинчалик тўлаш шarti билан сотса, харидорнинг бирдан тўлагандаги сотиш суммаси билан кейинчалик тўлагандаги суммаси ўртасидаги фарқ 18-сон БХХСга мувофиқ фоиз даромадлари сифатида тан олинади.

2-мисол. Компания баланс қиймати 2 500 000 минг сўм бўлган инвестициявий кўчмас мулкни бирдан тўлаганда (10 кун ичида) 2 550 000 сўмга, агарда бир йилдан кейин тўлаш шарт билан тўлов амалга ошириладиган бўлса 2 630 000 минг сўмга шартнома тузди. Харидор бир йилдан кейин тўлаш шартини қабул қилди. У ҳолда ушбу жараён қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади.

1. Сотилган активларнинг сотиш баҳоси суммасига:

Дт 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” (активнинг сотилган баҳосига).....2 550 000 000 сўм

Кт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”.....2 550 000 000

Асос: Шартномага мувофиқ харидорга сотилган ИКМнинг сотиш қиймати суммаси, аграда у бирдан тўловни амалга оширган тақдирда 2 550 000 минг сўм

2. Сотилган инвестициявий кўчмас мулкнинг баланс (адолатли) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши).....2 500 000 000 сўм

Кт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк”..... 2 500 000 000 сўм

Асос: сотилган ИКМнинг баланс қиймати 2 500 000 минг сўм ҳисобдан чиқарилганда.

3. Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда суммасига:

Дт 9220 “Инвестициявий кўчмас мулк сотилиши (чиқиб кетиши)”..... 50 000 000 сўм
 Кт 9320 “Инвестициявий кўчмас мулкни сотишдан олинган фойда”.....50 000 000

Асос: Сотилган инвестициявий кўчмас мулкнинг биринчи тўловдаги сотиш нархи ва баланс қиймати ўртасида фарқ суммаси 50 000 минг сўм (2 550 000 – 2 500 000)

4. Кейинчалик тўлаб бериш шарти билан фоиз даромади суммасига

Дт 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” (олинадиган фоиз).....80 000 000 сўм
 Кт “Фоиз даромадлари”.....80 000 000

Асос: Харидорга тақдим қилинган биринчи тўлов билан бир йилдан кейинги тўлов ўртасидаги фарқ фоиз даромади сифатида тан олинади 80 000 минг сўм (2 630 000 – 2 550 000).

Юқорида инвестициявий кўчмас мулкларнинг конструктив қисмлари алмаштирилганда эски конструктив қисм қиймати ҳисобдан чиқарилади, янги алмаштирилган конструктив қисм қиймати эса кўчмас мулкнинг қийматига киради деб таъкидланган эди. Ушбу қоидаларнинг амал қилинишини қуйидаги амалий мисолда кўриб ўтайлик.

3-мисол. Объектнинг баланс қиймати 4 550 000 минг сўм. Бинонинг ҳаво алмаштиришнинг кондиционерлаштириш тизими алмаштирилди. Унинг қиймати 120 650 минг сўмга тенг бўлди. Олдинги эски кондиционерлаштириш тизимининг қиймати 80 450 минг сўм бўлган. У ҳолда объектнинг қиймати янги тизимнинг қийматини қўшиш ва эски тизимнинг қийматини чегириш орқали топилади. У ҳолда бинонинг янги қиймати тенг бўлади:

$$4\ 550\ 000 + 120\ 650 - 80\ 450 = 4\ 590\ 200 \text{ минг сўм}$$

Ушбу жараёнларни қуйидаги тартибда бухгалтерия счётларида акс эттираемиз. Мазкур жараёнларни ҳисобга олишда амортизация ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини инобатга олган иккита ҳолатда акс этириш керак.

Инвестициявий кўчмас мулк бошланғич қиймат модели асосида баҳоланганда стандарт қоидаларга мувофиқ унга амортизация ҳисобланади.

1.1. Янги ўрнатилган кондиционерлаштириш тизимининг қийматига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

Дт 0810 “Капитал қўйилмалар: йирик бутловчи қисмларни алмаштириш”120 650 000 сўм

Кт 1020 “Бутловчи қисмлар”, 6010 “Пудатчиларга тўланадиган счётлар”, 6710 “Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар”, 6510 “Суғурта бўйича ҳисоб-китоблар” ва бошқа счётлар.....120 650 000

Дт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк: бино ва иншоотлар”..... 120 650 000 сўм

Кт 0810 “Капитал қўйилмалар: йирик бутловчи қисмларни алмаштириш”120 650 000 сўм

Асос: Инвестициявий кўчмас мулк объекти бўлган бинога қиймати 120 650 минг сўм бўлган янги кондиционерлаштириш тизими ўрнатилди. Ушбу ўрнатишнинг бутловчи қисм сифатида таъминланди, пудратчи ташкилот ўрнатди ва бир қисм ишларни корхона ишчилар бажарганлиги учун иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари амалга оширилди.

1.2. Эски кондиционерлаштириш тизими ҳисобдан чиқарилганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

Дт 0290 “Инвестициявий кўчмас мулк жамғарилган амортизацияси”.....80 450 000 сўм

Кт 0192 “Инвестициявий кўчмас мулк: бино ва иншоотлар”.....80 450 000

Асос. Эски кондиционерлаштириш тизимига амортизация алоҳида ҳисобланиши ҳам мумкин. Лекин ушбу мисолда алоҳида ҳисобланган жамғарилган амортизация суммасига доир ахборотлар тақдим этилмаган. Демак, умумий бинонинг таркибида амортизация ажратмалари амалга оширилган. Ушбу кондиционерлаштириш тизими тўлиқ амортизацияланган деб ҳисобланган. Унинг суммаси 80 450 000 сўмни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида инвестициявий кўчмас мулкни қайта таснифлаш, чиқиб кетиши ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалаларини ўрганиш асосида куйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Инвестициявий мулкнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ жараёнлар ҳисобига доир асосий қоидалар тадқиқ қилиниб ИКМларни сотиш жараёнини, жумладан инвестициявий кўчмас мулк адолатли қиймати бўйича баҳоланганда уни сотилиши (чиқиб кетиши) натижасида олинган фойда ва зарарларни акс доир счётлар ҳамда бухгалтерия ёзувлари таклиф этилиши одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадларни тўлақонли ҳамда ишончли акс эттириш имкониятини берган;

2. Инвестициявий кўчмас мулкларнинг конструктив қисмлари алмаштирилганда эски конструктив қисм қиймати ҳисобдан чиқарилади, янги алмаштирилган конструктив қисм қиймати эса кўчмас мулкнинг қийматига киришига доир қоидаинг амал қилинишини корхоналар амалий мисолида тадқиқ этилиб бухгалтерия ёзувлари таклиф этилиши ИКМларни қийматини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки: Кўчмас мулкларни инвестициявий кўчмас мулк таркибига ўтказиш ёки унинг таркибидан чиқариш унинг таърифи, талаблари ва тан олиш мезонлари ўзгарган тақдирда куйидаги ҳолатларда юз бериши таъкидлаб ўтилади:

-Компания ўз эҳтиёжларида ишлатишни бошлаганда – бунда 40-сон БҲХС асосида тан олинган инвестициявий кўчмас мулк 16-сон БҲХСга мувофиқ ўз мақсадларида фойдаланишга ўтказилади;

-Сотиш учун тайёргарлик бошланганда (5-сон МҲХСлари талаблари тўлиқ бажарилмаган ҳолларда) – инвестициявий мулк объектларини захиралар таркибига ўтказиш амалга оширилади;

-Ўз эҳтиёжида фойдаланиладиган мулк объектлари фойдаланиши тугатилганда – ўз мақсадларида ишлатиладиган мулк объектлари инвестициявий мулк объекти таркибига ўтказиш, яъни бунда қийматининг ошиши ёки ижара даромадларини олиш учун мўлжалланган узоқ муддатли актив сифатида тан олинади;

-Учинчи томонга операцион ижарага топширилганда – захира сифатидаги объектдан инвестициявий мулк объектига ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. С.Н.Титова. Инвестиционная собственность в МСФО и российской практике //Журнал и практические разработки по МСФО и управленческому учету. <https://finotchet.ru/print/articles/495/>
3. А.Королева. учет инвестиционной недвижимости в ФСБУ и МСФО//<https://www.ade-solutions.com/msfo/articles/uchet-investitsionnoy-nedvizhimosti-v-fsbu-i-msfo/>
4. А.В.Суворов. Инвестиционная собственность. //Ж. Международный бухгалтерский учет. (6)66. 2004 <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsionnaya-sobstvennost/viewer>

<p style="text-align: center;">Ю.Рахманова</p> <p style="text-align: center;">Совершенствование учета результатов распоряжения инвестиционной недвижимостью</p> <p>Аннотация: в данной статье рассматривается распоряжение инвестиционной недвижимостью (ИН), включая продажу, ликвидацию, а также учет прибылей и убытков. Кроме того, исследован порядок учета замены старых конструктивных деталей ИН на новые в соответствии с международными стандартами. Также, в статье предложены бухгалтерские счета и бухгалтерские записи.</p> <p>Ключевые слова: инвестиционная недвижимость, прибыль от реализации инвестиционной недвижимости, модель справедливой стоимости, конструктивные части, реклассификация.</p>	<p style="text-align: center;">Yu.Rakhmanova</p> <p style="text-align: center;">Improving the accounting of the results of disposal of investment property</p> <p>Abstract: this article covers the disposal of investment property (IP), including sale, liquidation, and profit and loss accounting. In addition, the procedure for accounting for replacement of old structural parts of IP with new ones in accordance with international standards has been researched. Also, the article suggests ledger accounts and accounting records.</p> <p>Keywords: investment property, profit from the sale of investment property, fair value model, constructive parts, reclassification.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.